


2022 январь



**Аҳоли ва тадбиркорлик
субъектларининг инфляцион
кутилмалари шарҳи**



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент 2022 йил


Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари шарҳи

2022 ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИ

Аҳолининг инфляцион кутилмалари

Январь ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича аҳоли вакилларининг **инфляцион кутилмалари**¹ пасаяувчи динамикани кўрсатиб, **15,0 фоиз** атрофида шаклланган бўлса, медиана қиймати² **13,5 фоизни** ташкил этди (1-расм).

1-расм. Аҳолининг инфляцион кутилмалари динамикаси, (фоизда)




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Инфляцион кутилмалар медиана кўрсаткичининг январь ойида ўтган йилнинг декабрь ойга нисбатан пасайишига инфляцион кутилмалар бўйича **9-12 фоизлик** жавоблар гуруҳини танлаган респондентлар сонининг кўпайиб бориши билан изоҳлаш мумкин (2-расм).

¹ **Инфляцион кутилмалар** – инфляцион кутилмаларнинг турли гуруҳлари бўйича мос жавобни белгиланган респондентлар сонининг ўша жавоблар ўртача қийматига кўпайтмалари йиғиндисини жами респондентлар сонига нисбати (ўртача тортилган кўрсаткич).

² Инфляцион кутилмаларнинг **медиана қиймати** – келгусидаги инфляция бўйича жавоблар вариацион қаторини тенг иккига бўлувчи қиймат.


2-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг сони)



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Келгуси даврда нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида постпандемия шароитида **импорт товарлари ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши (41 фоиз)**, **валюта курсининг қадрсизланиши (37 фоиз)** ҳамда **иш ҳақи ва нафақаларнинг оширилиши (31 фоиз)** мумкинлиги респондентлар томонидан таъкидланди (3-расм).

3-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари (респондентларнинг улуши, фоизда)




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари

Жорий йилнинг январь оyi якунлари бўйича келгуси 12 ой учун нархлар ўсиши бўйича бизнес вакилларининг **инфляцион кутилмалари** ўтган ойга нисбатан 0,6 фоизга камайиб, **14,3 фоизни** ташкил этди, медиана қиймати эса **11,7 фоиз** атрофида шаклланди (4-расм).


4-расм. Тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари динамикаси (фоизда)



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Январь ойида ҳам тадбиркорлик субъектларининг кўпчилик қисми инфляцияни **9-12 фоиз** атрофида бўлишини кутишаётганини таъкидлашган (5-расм).

5-расм. Инфляцион кутилмалар бўйича респондентларнинг тақсимоти (респондентларнинг сони)



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Тадбиркорлар келгуси 12 ойда нархлар ошишига **ёқилғи ва транспорт хизматларининг нархлари қимматлашиши (42 фоиз), валюта курсининг қадрсизланиши (37 фоиз) ҳамда иш ҳақи ва нафақаларнинг оширилиши (26 фоиз)** каби омиллар таъсир этишини кутишмоқда (6-расм).

6-расм. Инфляцион кутилмаларнинг асосий омиллари
(респондентларнинг улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Шунингдек, **хом ашё ва бутловчи қисмларнинг қимматлашиши, иқтисодиётда рақобат муҳитининг ёмонлашиши ҳамда тижорий бино ва ижара тўловларининг ошишини** кутаётган тадбиркорларнинг улуши ўтган ойга нисбатан пасайган. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари келгусида пандемия билан боғлиқ вазиятнинг яхшиланишига ишонч билан қарамоқдалар.